Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 34 (10.283).

1992 йил 18 февраль сешанба

Баҳоси 60 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ Жеймс БЕЙКЕРнинг ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларга сафар қилаётган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер 15 февраль куни кечқурун Тошкентга келди.

16 февраль куни эрталаб музокаралар бошланиши олдидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва Ж. Бейкер журналистлар билан учрашдилар.

И. А. Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Ўзбекистон демократик ўзгаришлар йўлига собитқадамлик билан ўтганлигини таъкидлади. Тарихда биринчи марта давлат бошлиғи икки номзод кўрсатилиб сайланди, республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинди, эндиликда жаҳондаги тўқсондан кўпроқ давлат мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятининг субъекти сифатида тан олди, йигирмадан кўпроқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилмоқда.

Айрим оммавий ахборот воситалари, жумладан Москвада нашр этилаётган рўзномалар Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеаларни нотўғри талқин этмоқдалар, деди сўнгра Президент. Демократик ўзгаришларнинг бузиб кўрсатилиши оқибатида Америка Қўшма Штатларида, ғарб мамлакатларида республика тўғрисида нотўғри тасаввур вужудга келмоқда. Мустақил давлат шаънига айтилаётган бўхтондан иборат ҳуружлар халқлар ўртасидаги, Ўзбекистонда яшаётган турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги анъанавий дўстликка раҳна солмоқда. Умидворманки, деб уқтирди Президент, мазкур учрашувда қатнашаётган журналистлар воқеаларни ҳолисона ёритиб, жаҳон жамоатчилигига Ўзбекистон ҳақидаги ҳақиқатни етказадилар, республикада тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга, сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг янада барқарорлашувига, ўтказилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятига ёрдам берадилар.

АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкерни Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) сурати.

Ж. Бейкер, журналист саволига жавоб берар экан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирган давлатлат бошлиқларининг Минск шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги учрашувига ўз муносабатини қисқача баён этди. Унинг фикрича, гарчи айрим келишмовчиликлар бўлса ҳам, мазкур учрашувда кўпгина муҳим масалалар ҳал этилди. Киев шаҳрида март ойида бўладиган учрашувда ҳам, чамаси, бир қанча масалалар ҳал этилади.

АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги масалага тўхталиб, давлат котиби бунинг муҳимлигини таъкидлади. Бу масала деди у, яна муҳокама қилинади, Вашингтонга қайтиб борганимдан кейин Ўзбекистон раҳбарияти билан учрашувимизга асосланиб, тегишли тавсиялар бермоқчиман.

АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер билан Президент И. А. Каримов, Ўзбекистоннинг бошқа раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Ж. Бейкер Самарқандга борди, кўҳна шаҳарнинг жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларини кўздан кечирди.

АҚШ давлат котиби Тошкент аэропортидан жўнаб кетиши олдидан Ж. Бейкер ва И. А. Каримов журналистлар саволларига жавоб бердилар.

16 февраль куни АҚШ давлат котиби Москвага жўнаб кетди.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КЕЛИШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида ислоҳотларнинг бориши шуни кўрсатдики, ҳар бир мамлакатда шарт-шароит турлича бўлишига қарамай, уларнинг барчаси учун қуйидаги келишилган чора-тадбирларни кўришни таъминлаш муҳимдир:

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги турли мамлакатларида хўжалик алоқалари узилишига йўл қўймасликка ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида шартнома тузишга доир қарорлар қабул қилиш тезкорлигини ошириш;

— Хўжалик бошқарув идораларининг шароитнинг ўзгаришини, шу жумладан ислоҳотнинг меъёрий базасига зарур тузатишлар киритишни тез ва пухта ҳисобга олишларини таъминлаш;

— ижроия ҳокимияти идораларининг ҳар томонлама алоқаларини мустаҳкамлаш;

— ана шу мақсадларни кўзлаб ҳозирги, энг масъулиятли даврда ҳамдўстлик давлатларининг бошлиқларига туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, шу жумладан улар ўртасида келишиб олинган ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуи юзасидан бевосита таъсир қиладиган меъёрий ҳужжатларни тезда қабул қилиш имкониятини бериш;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида иқтисодий масалаларга доир битимларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш ҳамда бундай битимлар бажарилмай қолишининг олдини оладиган иқтисодий воситаларнинг таъсирчанлигини таъминлаш;

— маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган ҳукуматлараро битимларни мунтазам бажармаётган томонларга қарши иқтисодий таъсир чораларини кўриш.

Баёнотни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қиргизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари имзоладилар.

ҲАМДЎСТЛИКДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ПРОТОКОЛИ

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқларига ва миллий (марказий) банкларига икки ҳафта муддатда собиқ СССР давлат банки моддий бойликлари ва қарзларини тақсимлаш тўғрисидаги давлатлараро битимни тайёрлаш топширилсин.

1992 йил 14 февраль куни Минск шаҳрида рус тилида битта асл нусхада тайёрланган. Асл нусха Беларусь республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади, бу ҳукумат ҳужжатининг тасдиқланган нусхаларини ушбу протоколни имзолаган давлатларга юборади.

Протоколни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қиргизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари имзоладилар.

БАЁНОТ

Кейинги вақтларда Россиядаги бир қанча оммавий ахборот воситаларида гўё Ўрта Осиёдан рус тилида сўзлашувчи аҳоли оммавий равишда кўчиб кетишга шайланмоқда, деган гап зўр бериб такрорланмоқда. «Комсомольская правда» рўзномасидан кейин яқинда Россия телерадиокомпаниясининг ахборотида навбатдаги бемаъни «башорат» янгради, буни Россия Федерациясининг халқ депутати Г. Старовойтова айтганлиги билдирилди. Шу хабарда айтилишича, Ўрта Осиёдан гўё 3—5 миллион қочоқ келиши кутилаётганлиги муносабати билан бу ерга БМТнинг бўлинмалари тоифасидаги қўшинларни киритиш зарур бўлиб қолиши мумкин эмиш.

Мустақил давлатнинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсати ҳақида афкор оммага ёлғон тасаввур ҳосил қилишга уринаётган мана шундай масъулиятсиз, моҳият эътибори билан ифвогарликдан иборат даъволарга қарши Ўзбекистонда кескин норозилик билдирилмоқда. Далил-исботсиз гапларнинг кўп миллионлаб кишилар қулоғига қуйилиши Ўрта Осиё минтақасида фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни бузишга, аҳолининг бир қисми орасида тахлика ва саросималик қайфиятини юзага келтиришга, жазавани авж олдиришга, одамларни кўчиб кетишга ундашга қўполлик билан уринишдан бошқа нарса эмас. Бу ниятларнинг гиж-гижловчилик, андишасизлик туфайли эканлиги яққол кўриниб турибди.

Кўп миллатли Ўзбекистоннинг бошқа фуқаролари каби рус тилида сўзлашувчи фуқаролари ҳам ўз тақдири учун безота бўлишига ҳеч қандай асос йўқ. Улар шубҳали сиёсий мақсадларни кўзловчи ғаламис «ҳимоячилар»нинг уйдирмаларини ғазаб билан рад қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ ШЎЪБАСИ.

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Соғлом Балашович БАЛАШОВ** Оҳангарон район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 15 февраль, Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Оҳангарон район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия С. Б. Балашовни Оҳангарон район ҳокими этиб тасдиқлади. С. Б. Балашов 1946 йилда туғилган, қозоқ, олий маълумотли, халқ депутатлари Оҳангарон район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби Э. М. Рўзиев иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Рустам Ибрагимович КАРИМОВ** Қўйи Чирчиқ район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 15 февраль, Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Қўйи Чирчиқ район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Р. И. Каримовни Қўйи Чирчиқ район ҳокими этиб тасдиқлади. Р. И. Каримов 1939 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Қўйи Чирчиқ район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Александр Махаматшукурович РАСУЛОВ** Оҳангарон шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил 15 февраль, Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия А. М. Расуловни Оҳангарон шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. А. М. Расулов 1959 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби Э. М. Рўзиев иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Сотиволди ЮСУПАЛИЕВ** Ангрен шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.

1992 йил, 17 февраль, Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия С. Юсупалиевни Ангрен шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. С. Юсупалиев 1946 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади. Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Л. П. Тернових иштирок этди.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БИР ЕҚДА ЯРАШ, БИР ЕҚДА УРУШ

● **НЬЮ-ЙОРКДА** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хомийлигида бўлиб ўтган уч кунлик музокаралар натижасида қарама-қарши турган Сомали гуруҳларининг нуфузли вакиллари бир-бирларига қўл бериб, отишмаларни тўхтатиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Бироқ, Сомали пойтахтидан келаётган хабарларга қараганда, у ерда қуролли тўқнашувлар ҳалиҳанг тўхтайдиганга ўхшамаётир.

Маълумки, 1991 йил январида Сиад Барре тузуми ағдарилгач, муваққат президент Али Маҳди Муҳаммад билан Бирлашган Сомали Конгресси раҳбари Муҳаммад Фарах Айдид тарафдорлари ўртасида ҳокимият учун жанглар бошланиб кетган эди. Ҳар икки раҳбар ҳам ҳавия элатининг икки уруғига мансуб бўлиб, эндиликда яроқли тузум ўрнатишда бир-бирлари билан келиша олмадилар. Оқибатда, ҳозиргача икки ўртадаги мухолифлик натижасида 5 минг нафардан ортиқ киши ҳалок бўлди, 15 мингдан зиёд одам жароҳатланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Сомалига 12 миллион доллар миқдорида ёрдам бериш хусусида қарор қабул қилган бўлса ҳам бу маблағга сотиб олинган озиқ-овқат ҳамда дори-дармонларни Могадишога етказиб беришнинг иложи бўлмаётир. Чунки, пойтахт тайёрагоҳи ишдан чиқарилган бўлиб, денгиз порти эса ҳамма томондан ўққа тутиб турилибди.

БМТ Бош котиби Бутрос Ғали ниҳоят мухолиф томонлар вакилларини бир ерга йиғишга муваффақ бўлди. Осойишталик ўрнатишга бағишланган музокараларда Африка Бирлиги ташкилоти, Араб давлатлари уюшмаси, Ислом конференцияси ташкилоти сингари мўътабар ташкилотлар делегациялари ҳам қатнашди. Бироқ, Нью-Йоркда эришилган келишувга қарамасдан Сомалида қуролли тўқнашувлар тўхатилганича йўқ. АП ахборот агентлиги хабарига қараганда, Могадишо шимолий ҳудудларини ўққа тутиш натижасида сўнгги кунларда 16 киши ҳалок бўлди, 166 киши жароҳатланди... Бир ёқда хурсандчилик, бир ёқда аза, деб шуни айтадилар-да.

ҲАРБИЙ БАЗАГА ҲУЖУМ

● **ИСРОИЛНИНГ** Ҳайфа шаҳри яқинида жойлашган ҳарбий базага ҳужум уюштирилди. Унда «совуқ қурол» билан қуролланган бир нечта араб миллатига мансуб жангарилар иштирок этдилар. Эй-би-си ахборот агентлигининг хабаридан маълум бўладики, мазкур ҳужумда қурбон бўлган жангчилар пичоқ, болта ҳамда паншаҳа билан ўлдирилганлар. Ҳалок бўлган уч жангчидан иккитаси яқинда Россиядан келган йигитлар экан. Улар бор-йўғи икки ҳафта хизматда бўлганларидан сўнг шундай фожиали аҳволга тушдилар.

Ҳужум қилганлар эзилиб яшириниш учун ўрганилган, Воқеа содир бўлган ерда тинтув ишлари олиб борилмоқда. Унда вертолетлар ҳамда махсус ўргатилган итлари бўлган патрўллар иштирок этмоқдалар.

«СОБИҚЛАР» УСТИДАН СУД

● **ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ** собиқ олий даражадаги партия ҳамда давлат арбобларидан 18 киши қора курсида ўтирибдилар. Улар орасида таниш кишилар бор: В. Биляк, М. Якеш, А. Индра, И. Ленарт ва бошқалар. «Собиқлар» 1968 йилдаги воқеалар муносабати билан ватанга хиёнат қилишликда айбланмоқдалар.

Бироқ «Прага баҳори» деб аталган инқилобнинг дастлабки кунларида фаол иштирокчи бўлган, кейинчалик партия сафидан ўчирилиб, барча лавозимларидан олиб ташланган, «Кремлдан совуқ шамол эсмоқда» деган китоб муаллифи, профессор ҳамда сиёсатчи Зденек Млинаржнинг судланувчилар орасида борлиги ҳаммани ҳайратда қолдирди. Унга 21-22 август кунлари Совет элчиси Червоненко билан учрашган, деган айб қўйилди.

З. Млинаржнинг ўзи мен айбдор эмасман, менга қўйилган айб бўхтондан бошқа нарса эмас, тилга олинган учрашув тўғрисида мен 1978 йилдаёқ ўз асаримда гапириб ўтган эдим, деди. 1967-1970 йиллар воқеаларини текшириш юзасидан тузилган комиссия раҳбари профессор В. Менцл ҳам «З. Млинаржнинг айби ҳақида гапириш нотўғри бўлар эди» деб айтди.

Суд давом этмоқда.

ИТАЛИЯ ГЕНЕРАЛЛАРИ ДҲҚГА ХИЗМАТ ҚИЛГАНМИ?

● **СОБИҚ СССРнинг** Генуядаги ваколатхонаси ходими С. Илларионовнинг «у томонга» қочиб ўтганига анча бўлди. Бироқ, бу шахс атрофидаги гап-сўзларга ҳамон хотима берилганича йўқ. «Республика» рўзномасининг яқинда босиб чиқарган мақоласида ҳам Давлат Хавфсизлиги Қўмитасига маҳфий маълумотлар етказиб бериб турган италияликлар хусусида гап борди. Илгари уларнинг сони 20 та бўлган бўлса, ҳозир 28 тага етди. Улар орасида саноатчилар ҳамда махфий объектларнинг хизматчилари борлиги аниқ эди. Бироқ, НАТО таркибига кирган италиялик икки генерал тўғрисидаги гап-сўзлар кўпчиликни таажжубга солди.

Рўзнома ДҲҚга хизмат қилган воқеанавислар номларини келтиргани йўқ. Фақат, махфий фирмалар ҳамда корхоналар тўғрисидагина гап боради. Тилга олинган генераллар фаолияти тафтиш қилинмоқда, деб таъкидлайди рўзнома, улар яқин кунлар ичида терговчилар ҳузурига сўроқ учун чақирилишлари мумкин.

РОНАЛЬД РЕЙГАННИ ТАБРИКЛАШДИ...

● **АМЕРИКА** Қўшма Штатларининг собиқ президенти Рональд Рейган ўз таваллудининг 81 йиллигини ўзгача бир вазиятда нишонлади. Тантаналар Рейганнинг Сими-Вэлл (Калифорния штати)даги кутубхонасида ўтказилди. Собиқ президентни асосан жуда катта торт атрофида йиғилган 150 нафардан ортиқ ўқувчилар табрикладилар. Унинг дўсти Жек Кёлер эса Р. Рейганга 90 бетлик антиқа бир «совға» тухфа этди. Унда Совет ДҲҚси, Куба разведкаси, Шарқий Германия махсус хизмати «штази» томонидан Р. Рейганга қарши махсус маълумотлар йиғилган эди. Ж. Кёлер бу маълумотларни бирмунча вақт муқаддам «коммунизмга қарши бўлган» номаълум бир шахсдан сотиб олганлигини айтди.

ЁШ САНЪАТКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«НАВРЎЗ» ўзбек мусиқали этнографик театри 25—30 ёшгача бўлган яккахон хонанда актрисаларни, 30—35 ёшли яккахон хонанда актёрларни, 20—22 ёшли рақосаларни шартнома асосида

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Танлов шу йилнинг 16 ва 23 март кунлари соат 10 дан 13,00 гача Ҳамза номли академик драма театри биносида ўтказилади.

Маълумотлар учун телефон: 44-19-59.

(Эълон театрга ёрдам тариқасида бепул чоп этилмоқда).

• *Ўзбекистоннинг илмий кучлари*

ШОГИРДЛАРИМ — ФАХРИМ МЕНИНГ

Кечагидек ёдимда. Бир куни таниқли олим Саъди Ҳасанович Сирожиддинов устоз ва шогирдлик муносабатлари ҳақида гапириб, «Шогирдларнинг ҳақиқийси мураббий ишини давом эттиргувчисидир. Ҳар бир шогирд вақтики келиб устоз мақомига эришганда, ўз издошларига шуни уқтирсин, токи илмда узилиш бўлмагай», дедилар. Бироз сукут сақлаб «Ваъдангиз ёдимда турибди ўзингиз унутмадингизми?», деб қолдилар. «Мен нима ваъда экан?» дея хаёлимдан ўтказдим.

— Сиз менда нечанчи бўлиб ҳимоя қилгансиз?

— Ҳа, бўлди домла. Ваъдам эсимда. Гапдан қайтиш йўқ.

Мен Саъди Ҳасановичда ўнинчи бўлиб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эдим. Ўшанда устоз, «Ҳадемай бу боламнинг ўз шогирдлари менинг набира шогирдларим бўлади» дегандилар.

— Домла, мен ўнинчи бўлиб ёқлаган эканман, насиб бўлса ўнта шогирд тайёрлайман,— деб сўз бергандим.

Бу воқеага ҳам анча йиллар ўтди. Ҳақиқатдан ҳам шогирдларим ўнтадан ошиб кетди. Ҳозирча ўзимнинг ҳам икки-уч нафар невараШогирдларим бор, аммо улар кўпаяди ҳали...

«Данагидан мағизи ширин», деганларидек аввал тўнғич набира-шогирдим ҳақида икки оғиз гапира қолай. Фарғона муаллимлар билимгоҳига махсус курс ўқишга чақиришган эди. Қорачадан келган, кўзлари ёниб турувчи бир талаба диққатимни ўзига тортди. Маъруза давомида саволлар бериб турди, ўтилаётган мавзу жиддий бўлса-да, бу талаба уни бемалол тушунаётгани ойдин эди. Дарсдан кейин анчагина савол-жавоблар қилдик. Ва мен уни бизнинг куллиётда, Тошкент дорилфунунида ўқишни давом эттиришга таклиф қилдим. Бу — қобилиятли талабаларни танлаб, уларни марказда ўқитиш, жўшқин фаолиятга талабалик даврида ҳаёқ жалб қилиш — ҳамма илмий мактабларга хос бўлиб, синалган усул эди. Аммо бу йўлда анчагина майда-чуйда тўсиқлар ҳам йўқ эмасди: ота-она розилиги, ётоқхона, стипендия муаммоси, муаллимлар илмгоҳи ҳамда дорилфунун дастурлари, режалари орасидаги фарқни — синов ва имтиҳонлардаги тафовутни талаба вақтида топшира оладими, йўқми? Буларни ҳам ҳал этиш лозим бўларди.

Муҳаммаджон Мўминов — «саволлар берувчи» бола — «домла, илм йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бераман»,— деди.

Ўша йиллари дорилфунун риёзиёт куллиётининг режаларида ўзгариш бўлиб, анчайин қийин фанлар ўқитиларди. Боз устига, муаллимлик илмгоҳидан келган талабалар бир курс пастга олинарди, яъни улар бир йилини йўқотарди...

Деканатимиздагилар Муҳаммаджонга узундан-узоқ «фарқлар рўйхати»ни ёзиб беришди, «шуларни топширасиз, шундан сўнг сиз бизнинг ҳақиқий талабамиз бўласиз, стипендия ва ётоқхона ҳақида кейин гаплашамиз», дейишди.

Араблар айтганидек, «Илм-фанни деб йўлга чиққан кишига жаннат эшиги очилиши» рост экан. Муҳаммаджон режалар орасидаги фарқларни муддатида, ҳаммасини аъло баҳога топширди. Ўзи мустақил ўрганди, ўзлаштирди. Унда катта илмий имконият борлиги намоён бўлди. Бу муваффақият ҳаммани, айниқса, мени қувонтирди. У билан бирга шуғуллана бошладим. Дарс, турли тўгараклардан ташқари яккама-якка шуғулланишлар самара берди. Бешинчи курсга етганда Муҳаммаджонни Москва Давлат дорилфунунига ўқишга ҳамда диплом ишини ёзиб келишга жўнатадиган бўлдим. Унга берилган мавзу шундай танланган эдики, у Муҳаммаджоннинг келгуси илмий ишлари учун ҳам асқотарди. Унинг Москвага кетиши олдидан, Москва Давлат дорилфунуни профессори, қадрдон дўстим Юрий Беляевга телефон қилдим, «ажойиб бир талаба юборяпман, қабул эт, ўргат сен ҳам» дедим. Юрага хат ёзиб бердим: «Талаба — бепоён илм уммонидаги бир кичик қайиқча. Уни бўрон ва тўфонлардан асраш, унга тўғри йўл кўрсатиш, кемасини сувости тошларидан, турли ўпқон ва оқимлардан омон-эсон олиб ўтиш ва кўзланган манзилга етказиш — устознинг вазифаси...» Ҳатимда шундай деган эканман, яқинда менга уни эслатишди. Муҳаммаджон илмий муддатни ўтаб чиқиқди, орада армияга ҳам бориб келди. Сўнгра номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Унинг ҳимоясига расмий оппонент бўлиб келган Москва Давлат дорилфунуни профессори Владимир Питербарг илмий ишни «Унинг мулоҳазаларида фан докторининг салоҳияти бор!» дея юксак баҳолади. Бу мен учун ҳам катта синов эди. Қилинган илк меҳнатлар зое кетмаганлигидан беҳад қувондим.

Иккинчи ҳикоя қилмоқчи бўлган шогирдим ёш фан доктори Шоюсуф Қосимовдир. У ёркин қобилият эгаси. Талабалик йилларидаёқ истеъдодини намоён қила олган. Курс ишидан тортиб, номзодлик диссертациясигача менинг раҳбарлигимда ёзди. Докторлик диссертациясига кирган айрим масалалар юзасидан баҳслашганмиз, кўп тортишувлар натижасида муаммонинг қўйилиши, ечиш йўллари ойдинлашди. Одатда докторлик илмий даражаси икки ҳолда берилади: агар номзод йиллар давомида етук олимлар ҳал қила олмаган йирик ва қийин муаммонинг ечимини ҳал этиб берса, ёки фанда янги йўналиш, янги бир назария кашф этса, бундай унвонга лойиқ бўлади. Шоюсуфнинг диссертациясида докторлик илмий даражаси олиш учун лозим бўлган ана шу мезоннинг иккаласи ҳам бор эди. Кашф қилинмоқчи бўлган янги йўналишнинг у—бу белгилари, таркибини илғаб олиш учун кучли математик сезги керак бўлади. Лекин бу сезги, зукколик ҳаммада ҳам бўлавермайди. Қанча мутахассислар Шоюсуф ишлаган мавзуда қалам тебратиб, илмий мақолалар ёзган бўлсалар-да, шу масалалар маж-муасини битта назарияга, битта илмий йўналишга бирлаштириш мумкинлигини фақат у исботлай олди. Яна бир нарса. Риёзиётдан фан доктори бўлиш билан масалан ўзбек адабиётидан (ёки бошқа халқ адабиётидан) фан доктори бўлишнинг катта фарқи бор. Бу фарқ муаммонинг осон-қийинлигида эмас, иккала ҳолда ҳам талаб битта. Аммо риёзиёт халқаро фан, сиз ўйлаётган муаммо устида Хитойда ҳам, АҚШда ҳам, Японияда ҳам ўйлаётган бўлишлари мумкин. Сиз бир илмий маҳкамада учраб турибди. Яқинда бир воқеа бўлди. Маҳалламиз марказида новвойхона бор. Ҳар куни эрталаб иссиқ нон сотилади. Бир куни борсак, нон йўқ. Суриштирсам новвой тўй қилаётган қариндошига бор унни бериб юборган экан. Роса уришдим. Унни тезда топиб нон ёпишни бошлашини айтдим. Топиб келди. Тўғри, қўли очиқлик, ўзгалар ҳожатини чиқариш яхши. Лекин бу нарса халқнинг ҳисобидан бўлиши керак эмас-да.

— Яна дастлабки мавзуга қайтсак. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар айни пайтда ўзларини ҳимоясиз, ёлғиз сезишлари керак эмас. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

— Тўғри. Бу одат қадимдан қолган. Халқимиз одамижонда. Масалан, қўшнимиз ёлғиз бўлса бир коса овқат чиқарамиз, иссиғидан хабар оламиз. Бу иш халқимизда савоб ҳисобланади. Кимки мана шу ишни чин кўнгилдан чиқариб қилса, етим-есирнинг бошини силаса жамики савоб шунда. Бизда 27 нафар ёлғиз қария бор. Район ижтимоий таъминоти бўлимидан ижтимоий хизматчилар келиб уларнинг бозор-ўчаридан тортиб, кир-чиригача ювиб беришади. Лекин бизнинг йўриғимиз ҳам бошқа. Эски қадрдонлар бир пиёла чой устида суҳбатлашсак, улар анча енгил тортишларига имоним комил. Биз маҳалла аҳли кўплашиб уларнинг дуосини олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳа, ҳаётда ҳар бир киши ўзини ёлғиз сезмаса, атрофида меҳрибон кишилар борлигини ҳис қилса, унинг эртанги кунига ишончи ортади. Демак, ҳаёт унинг наздида ўз маъносини йўқотмайди. Шундай экан, фақатгина маҳалла қўмитасининг фаоллари ёки бу ишга мутасадди кишиларгина эмас, биз ҳаммамиз ана шу савобли ишга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Бугунги оғир иқтисодий кунлар ҳам ўтиб кетади. Лекин одамгарчилик, инсоф унутилмайди.

Н. РАФИҚОВ.

ОДАМГАРЧИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

КЕЙИНГИ пайтда ким билан суҳбатлашманг, мавзу нарх-навонинг ошиб кетгани-ю, озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги томон ўзгаради. Бунда жон бор, албатта. Лекин биз жойларда бўлганимизда икки хил манзаранинг гувоҳи бўламиз. Раҳбарлар бутун имконнятни ишга солиб, омма билан ишлашни тўғри йўлга қўйишган бўлса, одамлар вазиятни тушуниб етмоқдалар. Шу билан бирга инқироздан чиқиш йўлларини изламоқдалар. Ёки аксинча...

Айни пайтда вилоятимизнинг Тошкент районида 72 та маҳалла қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Районда 566 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 975 та боқувчисини йўқотган оилалар, 245 нафар ёлғиз оналар, 900 дан знёд олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабалар истиқомат қилишади. Айнан шуларни иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилишни давр тақозо этмоқда.

Шу билан бирга бу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини излаш, шундоқ ҳам тақчил саноат ҳамда истеъмол молларини халқ ўртасида адолат юзасидан тақсимлашни кейинги пайтда маҳалла қўмиталари ҳал қилмоқда. Бизнинг Тошкент «Тошкент» совхозининг Шамсиобод маҳалла қўмитаси раиси Акмал ака Баҳромов билан суҳбатимиз мавзуси маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳақида бўлди.

— Маҳалламизда 810 та хонадонда 4420 нафар киши истиқомат қилади. Бугунги иқтисодий таназзул кунларда биз имкони борича мавжуд шароитни одамларга босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Кам таъминланган, боқувчисиз қолган оилаларга албатта қийин бўлди. Бизда ҳам 13 та ана шундай оила бор. Бизнинг маҳалла қўмитамиз фаоллари уларнинг ҳолидан хабар олиб туришибди, баҳоли-қудрат маҳалла ҳисобидан озиқ-овқат, кийим-кечак тарқатяпмиз уларга.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БУРЧИМИЗДИР

— Маълумки, ҳозирги пайтда салгина тартиб бузилиши ҳам одамлар ўртасида катта норозиликларга сабаб бўляпти. Демак, бунга йўл қўйишимиз мумкин эмас экан. Бу борада сиз раислик қилаётган маҳалла қўмитасида қандай ишлар қилиняпти?

— Гапингизга қўшиламан. Ҳозир кўпчилик шароитни тушуниб етган. Афсуски, баъзан оғзига эрк бериб, ваъзхонлик қилаётганлар ҳам учраб турипти. Мен бу тақчиллик кунлар ўтиб яхши кунлар келишига ишонаман. Ўша пайтда мана шу кишилар ер чизиб қолишмаса бўлгани. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халқимиз шунча йиллар давомида чидаб келди. Бизга эндигина бир таскин берадиган томони бор. Бу ҳам бўлса жумҳуриятимиз аҳли эндиликда мустақил бўлди. Йил—ўн икки ой бошқа бировлар учун ишлаётганимиз йўқ. Энди ўзимиз учун ишлаймиз. Шу кунларда яна мени ҳаяжонга солаётган нарса ҳамон мана шундай бева-бечоралар, етим-есирлар ҳақига хиёнат қилувчилар орамизда учраб турибди. Яқинда бир воқеа бўлди. Маҳалламиз марказида новвойхона бор. Ҳар куни эрталаб иссиқ нон сотилади. Бир куни борсак, нон йўқ. Суриштирсам новвой тўй қилаётган қариндошига бор унни бериб юборган экан. Роса уришдим. Унни тезда топиб нон ёпишни бошлашини айтдим. Топиб келди. Тўғри, қўли очиқлик, ўзгалар ҳожатини чиқариш яхши. Лекин бу нарса халқнинг ҳисобидан бўлиши керак эмас-да.

— Яна дастлабки мавзуга қайтсак. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар айни пайтда ўзларини ҳимоясиз, ёлғиз сезишлари керак эмас. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

— Тўғри. Бу одат қадимдан қолган. Халқимиз одамижонда. Масалан, қўшнимиз ёлғиз бўлса бир коса овқат чиқарамиз, иссиғидан хабар оламиз. Бу иш халқимизда савоб ҳисобланади. Кимки мана шу ишни чин кўнгилдан чиқариб қилса, етим-есирнинг бошини силаса жамики савоб шунда. Бизда 27 нафар ёлғиз қария бор. Район ижтимоий таъминоти бўлимидан ижтимоий хизматчилар келиб уларнинг бозор-ўчаридан тортиб, кир-чиригача ювиб беришади. Лекин бизнинг йўриғимиз ҳам бошқа. Эски қадрдонлар бир пиёла чой устида суҳбатлашсак, улар анча енгил тортишларига имоним комил. Биз маҳалла аҳли кўплашиб уларнинг дуосини олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳа, ҳаётда ҳар бир киши ўзини ёлғиз сезмаса, атрофида меҳрибон кишилар борлигини ҳис қилса, унинг эртанги кунига ишончи ортади. Демак, ҳаёт унинг наздида ўз маъносини йўқотмайди. Шундай экан, фақатгина маҳалла қўмитасининг фаоллари ёки бу ишга мутасадди кишиларгина эмас, биз ҳаммамиз ана шу савобли ишга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Бугунги оғир иқтисодий кунлар ҳам ўтиб кетади. Лекин одамгарчилик, инсоф унутилмайди.

Н. РАФИҚОВ.

● ТУИТЕПАДАГИ 74-автомобиль корхонасининг кўпгина ҳайдовчилари Носир Азизовни ўз устозлари деб билишади. Чунки у 20 йилдан ортиқроқ вақт давомида шофёрлик қилганидан кейин мураббийчилик ҳаракатида фаол қатнаша бошлади. Йўриқчи-ҳайдовчи сифатида ўнлаб ёшларга автомашинани бошқариш касбини ўргатди. Ушбу суратда устоз ҳайдовчи Н. Азизовни кўриб турибсиз.

Суратқаш М. МАҲМУТОВ.

ПАХТАКОРЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

Чигитларни натта майдонларга экишдан олдин уларни кимёвий йўл билан тайёрлаш жараёнлари амалга оширилади. Бу агротехник тадбирни мақсадга мувофиқ тарзда ўтказишга қаратилган қурилма намуналари ихтиро этилди.

Тошкент Давлат техника дорилфунунининг «Физика ва пахта» илмий тадқиқотлар гуруҳи олимлари самарали изланишлари маҳсули янглиғ юзага келган бу янгиликдан кўп миқдорда иқтисодий фойда кўриш мумкин. Энг муҳими, мазкур қурилма чигитларни ерга қадаш олдидан пахтакорлар оғирини анча енгил қилади.

Эндиликда ушбу зарур мослама хориждаги мутахассисларни ҳам қизиқтирмоқда. Ҳозир Ҳиндистонга ҳам унинг намуналарини юбориш тадбирлари кўрилмоқда.

С. ОДИЛОВА.

РАҲБАР АЁЛЛАР ҚИСМАТИ

ЭНДИЛИКДА СОБИҚҚА АЙЛАНГАН БУ ОНАХОНЛАРГА ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОР БЕРМАЙДИ, БИРОР КИШИ ИУҚЛАБ КЕЛМАЙДИ ҲАМ

СУСАМ қишлоғидаги дўконларнинг бирида қизи тенгги совувчи аёлга бир дона совун беришни сўраб, ялинаётган онахонга кўзим тушди.

— Набираларим жуда кирлаб кетишди, майли, пулини икки ҳисса қилиб тўлайман?

— Ахир, рўйхатда йўқсиз, дедим-ку? жеркиб ташлади сотувчи.

Кўнгли ўксиб, кўзларида ёш билан чиқиб кетган онахонни танидим — Ойниса опа экан. Тезликда қишлоқ шўросига кириб, одам қадридан ҳам қиммат бўлиб кетган икки дона ироқи совунга қоғоз ёздирдим, тўғри Ойниса опа хонадонига бордим. Опа айвонда хомуш ўтирган экан.

— Абдумўминмисиз? Вой, қадамларингизга нур тушсин, келинг болам...

Ойниса опа ичкаридан кўрпача олиб чиқиб, айвонга тўшади, чойга уннамоқчи бўлди.

— Йўқ, опажон ишим шошилинч. Сизни бир кўриб ўтай деб киргандим.

Сочлари оқариб, каловланиб қолган онахонга зимдан разм соламан, унинг ёшлик йилларини эслайман. Мен ўшанда шу қишлоқдаги мактабда муаллимлик қиларидим. Бу пайтда Ойниса опа қишлоқ шўроси раислигидан озод этилиб, сабзавотчилик бригадасига раҳбар этиб тайинланганди. Лекин одамлар ўшанда ҳам, ҳозир ҳам уни «раис опа» деб чақиришарди.

Ойниса Ғозибекова урушдан кейинги ингичка узилиб, йўғон қисқарган қийинчилик даврда қишлоқ шўросига ўн йил раислик қилди, аёл бошини эркак, қора сочларини телпак қилиб ишлади, одамларни яхши кунларга ишонтирди. «Киров», «Чувулдоқ», «Қорақалпоқ», «Жарёқа» қишлоқларига сув келтиришга бош бўлди, хашар уюштириб, янги мактаблар қурдирди. Опанинг ташаббуси билан қишлоқда тиббиёт пунктлари, болалар боғчалари очилди, янги урф-одатлар жорий этилди. У гапидан қайтмайдиган, раислар билан тенгма-тенг олишадиган «боевой» аёллардан эди. Кейин бригадага ўтказишди. Ҳалол меҳнати эвазига қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Қарангки, бутун ёшлиги, куч-қувватини эл ишига сарфлаган Ойниса опа бугун битта совунга зор бўлиб ўтирибди.

Ойниса опаникидаги учрашувимизга анча бўлди. Лекин, онахоннинг маҳзун қиёфаси ёш тўла кўзлари хаёлимга келаверади...

МУНЧОҚ ТЕПА Оҳангароннинг биқинида. Мен бу ерга 1937 йилдан то қирқ еттинчи йилгача ноҳиядаги Куйбишев номли қишлоқ шўросининг раисаси бўлиб ишлаган, кейинчалик ноҳия фирқа қўмитаси хотин-қизлар кенгашига раҳбарлик қилган, «Қизил меҳнат» колхозида узоқ муддат қандлавлаги, пахта, кунжут етиштирувчи бригадаларга бошчилик қилиб, самарали меҳнатлари учун жуда кўп орден ва медалларга сазовор бўлган, қайсидир йили Москвага бориб орден олган, 1938 йилдаёқ Ўзбекистон Олий Советига депутат бўлиб сайланган Бувойша момо Қулматовани излаб келдим. Мен — уруш йилларининг мактаб ўқувчиси уйда, ўша пайтдаги ноҳия рўзномасида, одамлар оғзидан Бувойша Қулматованинг номини тез-тез эшитиб турардим.

Мунчоқ тепага пиёда бордим. Кўк дарвозадан кириб овоз чиқардим. Кун совуқ бўлишига қарамай ошхона томонда бировнинг деворга лой чаплаётгани эшитилди. Кейин билсам, Бувойша момо экан. У қўлларини ювиб, ичкарига кирди, печка ёнига ўтириб, исинди.

• *ОҚИБАТ*

— Сиз билан гаплашгани, турмушингизни кўргани келдим, момо?

— Эй, улум-а, мен билан нени гаплашасан? Етмиш саккизга кирдим, эшигим илгисиз, бешигим белгисиз, яхшиям набираларим бор экан, кунимга шулар яраяпти. Ёшлигимни «Қизил меҳнат» колхози олди. Ёш эканмиз-да, ялангоёқ сув кечиб, лавлаги суғорибмиз, ҳафталаб уйга келмай, дуч келган ерда думалаб ётаверибмиз. Оқсоқолман, деб юрт ишини қилаверибмизу, ўзимизга бирор бошпана қурмабмиз, айланай. Бугунгидек беоқибат кунлар келишини билмаганмиз-да...

Момо иқиллаб ўрнидан туриб, сандиқчадан бир дафтарчани олиб кўрсатди.

— Қайси куниям «собес»га чиқувдим. Дафтарчамдан менга берилиши керак бўлган гўшт, колбаса, ёғ, саноат моллари ёзилган саҳифаларни кўзимнинг олдида ўчириб ташладилар. Майлида, балки йўқдир, уларга ҳақсиздирман, тағин ким биладо болам. Худога минг қатла шукур, набираларим, айниқса мана шу Холидам менга парвона, қўйинг эна, нима керак бўлса ўзим топиб келаман, дейди умрингдан барака топкур.

Совхоздагилар ҳам ўзи билан ўзи оворага ўхшайди, иш ҳам кўп бўлса керак, байрамларда ҳам йўқламай қўйишди, бу гапларимни ёзиб юрмагин, улардан ҳафа эмасману, кўнгил эканда... Сигирим бўлганда бир қошиқ сутга зор бўлмасдим. Кўпдан бери оёғим оғрийди, бировга оғирлигим тушмасин, деб ҳеч қаерга бормайман... — Мен Бувойша холанинг уйидан кўнглим чўкиб чиқдим...

ҚОРАХТОЙнинг **Ялпоқ Тепа** гўшасида ёлғизгина ховлига кирганимда Унсун хола овозимдан танидилар. Бу аёлни ҳам болалигимдан билардим. Ҳозир ҳам одамлар «Унсун совут» дейишади, илиқ бир меҳр билан тилга олишади Унсун хола Ҳамдамовани. Хола айни уруш пайтларида Қорахтой қишлоқ шўросига раислик қилганлар. Урушдан кейин колхозда бригадирлик қилдилар, оддий колхозчи ҳам бўлиб ишладилар. Кейинроқ замона тинчланиб, турмуш бироз енгиллашгач Унсун холани ноҳия раҳбарлари мутлақо унутиб юборди. Қадри топталган, меҳнатнинг нашидасини кўролмаган Унсун хола Ҳамдамова ориятга чидолмай қишлоқдан бош олиб чиқиб кетди. Ўғли Абдуқаюм ҳозир жумҳуриятда балет санъатининг устаси бўлди, узоқ вақт Навоий театрида ишлади, онаси қистайвергандан сўнг яна Ялпоқ тепадан уй сотиб олди, кўчиб келди. Ҳозир онаси ҳам кун сайин келиб туради. Бироқ ноҳия ва совхоз раҳбарларининг аксарияти урушнинг энг қийин даврида Қорахтойдай катта қишлоқ шўросида Унсун Ҳамдамова деган аёл раиса бўлиб ишлаганлигини билишмайди.

— Уруш пайти одамларни бошлаб Бўкага, Ховоста, Оққўрғонга пахта теримига борардик, — дея дард билан эслайди Унсун хола. — Каналлар қазишда-ку бутун ноҳия аёлларига бош бўлиб борардим. Сен фаолсан, сен биринчилардан, сен илғорсан десалар, кетаверибмиз на уйга, на бола-чақага қарамай. Бугун эса менинг бор-йўқлигим билан ҳеч кимнинг иши йўқ...

Мен раиса аёлларнинг сўзларини эшитдиму ўша давр мафкурасининг, раҳбариятнинг не-не хотин-қизларни фаоллар, илғорлар сафига қўшамиз деб аёллар сафидан чиқариб юборишганига ишонч ҳосил қилдим. Зотан, мен сўзлашган аёлларнинг аксарисининг оилавий турмушларида ҳам зиғирчалик ҳаловат ва лаззат бўлмаган. Улар ўша пайтда раҳбарликни имтиёз эмас, фақат масъулият деб тушунишган.

Мақоламга сўнгги нуқта қўяр эканман, одамлардан, Ойниса опа, Бувойша момо, Унсун холаларнинг ҳамқишлоқларидан, раҳбарлардан сўрагим келади: Ҳой, яхшилар, ота-боболаримиз бизчалик беоқибат, бемеҳр эмасдилар-ку?! Нега биз ўз қобиғимизга шунчалик ўралиб олдик, нега атрофга, бир оғиз ширин сўзимизга, моддий ва маънавий ёрдамимизга муҳтож бўлиб ўтирган кишиларга қарамаймиз.

Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтмоқчиман: бизнинг бу оқибатсизлигимиз бир кунмас-бир кун ўзимизга қайтмаса, деб қўрқаман. Чунки бу бевафо дунёни қайтар дунё, дейдилар.

Мўмин ҚАЮМОВ.

РАҲМАТ СИЗГА, МУХТОР!

ЖАМОАТЧИ МУХБИРИМИЗ МУХТОР СУЛАЙМОНОВНИНГ ҲИММАТИ

Мухтор Сулаймонов номи муштарийларга яхши маълум. Тинғ-тинчимас бу йигит республика маданият жамғармасида ишлайди. У ўзининг хабар, мақола, лавҳалари билан рўзномамизда анчадан бери қатнашиб келади. «Тошкент ҳақиқати»да жумҳурият рўзномалари орасида биринчи бўлиб, «Саҳоват» махсус саҳифаси ташкил этиш ташаббускорларидан бири ҳам шу Мухтор.

Яқинда Мухтор Сулаймонов таҳририятимизга ибратли бир тақаббус билан кириб келди.

— Болалигим қийинчилик билан ўтган, ҳаёт машақатларига кўп марта дуч келганман, — деди у. Шунинг учун ҳам ҳозирги тақчиллик пайтида ногирон, ёрдамга муҳтож кишиларнинг дардини тушунаман, қани энди миллионер бўлсаму, муҳтож кишиларнинг ҳаммасига ёрдам берсам, дейман. Шундай бўлса-да, баҳоли қудрат, кучим етгунча ногирон, ёрдамга муҳтож кишиларни «Тошкент ҳақиқати»га обуна қилиш учун ўз ҳисобимдан 300 сўм олиб келдим.

Биз Мухтор Сулаймоновнинг олижаноблиги, ҳиммати учун таҳририятимиз номидан миннатдорчилик билдирдик, унинг пулига марҳум рассом Рауф Аҳмедовнинг турмуш ўртоғи Муножот Аҳмедова, чиноз-лик ногирон уста Саъдулла Абдураимов ҳамда «Тошкент ҳақиқати»нинг фаол жамоатчи мухбирларидан бири, жумҳурият ногиронлар уюшмасининг аъзоси Айдер Куртмуллаевларни рўзномамизга обуна эттиришимизни билдирдик.

Ҳиммат сизга балли, Мухторжон!

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ — 20 МАРТДА

14 ФЕВРАЛЬ куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бошлиқлари Минскда учрашдилар. Учрашув қатнашчилари Қуролли Кучларни моддий-техник таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий таъминлаш масалалари бўйича умумий фикрга келдилар, Ҳамдўстлик мамлакатлари Қуролли Кучлари мақоми тўғрисида, стратегик кучлар тўғрисида ва бошқа баъзи масалалар бўйича келишиб олдилар. Учрашувда раислик қилган Украина Президенти Леонид Кравчук журналистларга шу ҳақда маълум қилди. Унинг таклифи бўйича МДҲ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгашини 20 март куни Киевда ўтказишга қарор қилинган.

«Мен очиқ айтишим керакки, бизнинг бу учрашувларимиз ва қабул қилинаётган ҳужжатларни ниҳоятда қаноатлантирарли деб айта олмайман», — деди телевидение орқали сўзлаб Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев. Унинг сўзларига қараганда, ҳамдўстликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилувчи анчайин яхши ҳужжатлар қабул қилинаётган ва тайёрланаётган бўлса ҳам уларнинг бажарилишини назорат қилувчи мувофиқлаштирувчи органлар йўқдир.

МАСЪУЛИЯТ ЎЗЛАРИНИНГ ЗИММАСИДА

В. И. ЛЕНИН Марказий музейининг меҳнат жамоаси баёнот қабул қилди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Йил бошидан бўён музей давлатдан дотация олмаётганлиги учун жамоа музейни пул билан таъминлаш, хазина коллекцияларини сақлаш ва кўрсатиш, улар яхлитлиги ва бўлиниб кетмаслиги учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади».

КОНГРЕСС ЎТКАЗИЛМАДИ

ЎТГАН шанба ва якшанба кунлари Қозонда Россия таркибидаги республикалар демократик кучларининг конгресси очилиши мўлжалланган эди. Лекин анжуман бўлмади. Татаристон миллий-ватанпарварлик ташкилотларининг раҳбарлари бу тадбир давлат мустақиллигига тажовуз бўлади, деган фикрни билдирдилар.

ПУЛ ТАҚЧИЛ БЎЛГАНЛИГИ УЧУН

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Н. Назарбоев «Республика халқ хўжалигини нақд пуллар билан таъминлашнинг фавқулодда чоралари тўғрисида» Фармон чиқарди. Бу ҳужжат қабул қилинишига сабаб республикада пул тақчил бўлиб қолаётганлиги ва бунинг натижасида аҳолини нақд пуллар билан биринчи навбатда таъминлаш зарурати туфайлидир. Эндиликда бу ерда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида товар-моддий бойликлар ва хизматлар учун бўладиган ҳисоб-китоблар фақат нақд пулсиз амалга оширилади. Банклар фақат маошларни, компенсацияларни, пенсиялар, нафақалар, стипендияларни тўлаш ва истеъмол бозорини тўлдириш билан боғлиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учунгина пул берадилар.

ПОДШО ТУҒИЛГАН КУН НИШОНЛАНМОҚЧИ

КЕЛГУСИ йили Россия подшоси Николай II туғилганига 125 йил тўлади. Шу муносабат билан Россия Императорлик уйи бошлиғи улуғ князь Владимир Кириллович билан 1993 йилда тантаналарни ўтказиш режаси келишиб олинди. Куни кеча Париждан қайтган Россия дворянлар йиғилиши раҳбарларидан бири В. Лопухин шу ҳақда хабар берди. Россия дворянларининг халқаро анжуманини келаси йил майнюль ойларида ўтказишмоқчи. Унинг мақсади муҳожирликда яшаётган ва Ватанда қолган дворянларни бирлаштиришдир.

Г. ПОПОВ — ҲАРАКАТ РАИСИ

15 ФЕВРАЛЬ куни Нижний Новгородда Россия демократик ислоҳотлар ҳаракатининг таъсис съезди бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Россия демократик ҳаракатларининг ҳамраиси, Москва мэри Гавриил Попов ана шу ҳаракат раиси қилиб сайланди. Ҳаракат марказий бошқаруви аъзолари ҳам сайланди. Республика партияси съезднинг дастурий ҳужжатларидаги бир қатор қондалар билан келиша олмай, демократик ислоҳотлар ҳаракатидаги ўз аъзолигини тўхтатди. Партия номидан баёнот билан чиққан унинг раиси В. Шостаковский съезд раёсатини намойишкорона ташлаб чиқиб кетди.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

Қадрият

- КЕЛИНГ, ТАНИШАЙЛИК
- БУЙДОҚНИНГ МАКТУБИ
- ТЕРГА БОТГАН— ЗАРГА БОТМАСА...
- ...МАККА ЙЎЛИ, МАДИНАНИ СУРОВЧИМАН

• Янги бўлим

ВАЪДА—ҚАРЗ ДЕМАК!

Муҳтарам рўзномахонлар! Агар эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги вақтда рўзномамизда тарихимизга, ислом таълимотига оид, ахлоқ-одоб мавзусидаги мақолалар, суҳбатлар салмоғи ортиб бораяпти. Аввало, бу ҳол табиий — давр талаби. Рўзнома муҳарририяти давр талабидан келиб чиқиб, 1991 йилнинг ноябрь ойида миллий қадриятлар, тил тараққиёти ва ўрта таълим билан боғлиқ долзарб масалаларни алоҳида ёритиш мақсадида «Миллий қадриятлар, тил тараққиёти ва мактаблар бўлими»ни ташкил этганди. Энди «Янги бўлим ташкил бўлганига бир неча ой бўлибдию, бироқ бу ҳақда муштарийлар хабардор қилинмабди-да», деган бир савол туғилиши мумкин.

Гапнинг очиғи, халқимизда бир удум бор. Яъни, чақалоқ дунёга келгач, қирқ кун чилла сақлайдилар. Шу давр ичида чақалоқнинг суяклари анча мустаҳкамланиб, кўзи атроф-оламни илғай бошлайди. Муҳарририятимиз ҳам халқона ибратни четлаб ўтишни истамади.

Шу ўринда айтиш керакки, янги бўлим ташкил қилинган кунлардаёқ, биз рўзнома орқали жар солиб, бир-биридан қуюқ ваъдаларни териб ташлашимиз мумкин эди. Бироқ, биз буни ўзимизга эп кўрмадик. Нега? Чунки, жаноби Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ал-ваъдату дайнун«» (яъни «Ваъда қарз демакдир») деганлар, шу баробарида: «Ад-дайну шайн уддин» (яъни, «Қарз динга нисбатан нуқсондир!») дея таъкидлаганлар. Биз ислом таълимотини ҳурматлаганимиз ва унга бўйинсунганимиз учун ҳам янги бўлим ҳамда унинг фаолияти ҳақида лом-мим демадик. Аммо, имкони борича бўлим фаолиятини кенгроқ тарғиб қилиб бордик. Ўтган уч ой мобайнида юздан ортиқ мақола, суҳбат, мактуб, таржималарни ўз саҳифамизда эълон қилдик. Ижозатингиз билан улардан айримларининг номини санаб ўтсак: «Аллоҳ умр берса, режалар улкан!»; «Қадриятларимиз қадрига етайлик!»; «Маънавиятимиз бутун эътиқодимиз устивор бўлсин!», «Хамсачилик кашшофи», «Кошифий»; «Фарзанд дуоси»; «Тагур ва тагуршунослик»; «Жаноби Расулуллоҳ васиятларидан»; «Инсон ҳар йили туғилмайди!»; «Ҳужжатлар тилга кирганда»; «Икки аллома дўстлиги»; «Мавлоно Муҳйи»; «Муҳаммад Авфий»; «Ҳофиздек ғазалхон йўқ...»; «10-синф қизлари алла айтишни биладими?»; «Мулла Тўра мингбоши» каби ўнлаб суҳбату мақола ва таржималар бевосита янги бўлим маҳсулидир. Шу ўринда яна алоҳида қайд этиш керакки, бўлим гарчи янги бўлса-да, аммо бир қанча атоқли муаллифлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиб улгурди.

Филология фанлари докторлари, профессор И. Абдуллаев, профессор М. Муродов, Х. Ҳомидов, филология фанлари номзоди, доцент Қ. Жўраев, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Зокиров, педагогика фанлари номзоди С. Булатов, турли олий билимгоҳ муаллимларидан М. Исҳоқов, М. Сулаймонов, шоир ва журналист Т. Убайдулло, олий тонфадаги муаллим Б. Каримов, таниқли шоира Н. Рашидова, журналист М. Қаюмов бўлимимиз билан доимий ҳамкорлик қилишга бел боғлаган муаллифлардан. Таниқли олим ва қаламкашлар билан бир қаторда ёш, иқтидорли, турли касбларда хизмат қилувчи муаллифларимиз ҳам анчагина бўлиб, Н. Қўшоқбоева, Л. Мансуров, Б. Турғунов, А. Толипов, К. Турсунбоев, О. Мамарайимова шулар жумласидандир. Ўйлаймизки, уларнинг сафи янада кенгаяди.

Бўлимнинг келгусидаги мақсадларига келсак, Жаноби Расулуллоҳнинг: «Молдунёнинг кўплиги бойлик ҳисобланмайди, балки ҳақиқий бойлик маънавий бойликдир» деган ҳадислари асосида иш юритишдан иборатдир.

Бугун навбатдаги саҳифани эълон қилмоқдамиз. Бўлимимиз фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва қимматли маслаҳатларингизни бизга ёзиб юборасизлар деган умиддамиз.

Дилмурод САИДОВ,
бўлим мудири.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Ҳозирги тилимизда ишлатилаётган «БЕҲИ» сўзи форс-тожик тилидан кириб ўзлашгандир. Форсча «беҳ» — биҳи яхши, ёқимли деган маъноларни билдиради. Беҳи ёқимли ҳидли мева демакдир.

Қадимги туркий тилимизда бу сўз ўрнида арабча «ҳайва» сўзи ишлатиб келинган. Ҳозирда руслар беҳини «айва» деб ўз тил компонентларига мослаштириб фойдаланмоқдалар.

* * *

ПАЛОС ҳам эски ўзбек тилига форс-тожик тилидан кириб ўзлашгандир. Бу сўз форсча «по» (оёқ) «либос» сўзининг қисқа шакли «лос»дан ташкил топган. Палос оёқ либоси маъносини билдиради.

* * *

ПОЛИЗ сўзи ҳам форс-тожик тилига хос сўздир. Форс тилида пализ, тожик тилида полиз, афғон тилида палез шаклларида қўлланилади. Полиз сўзи «пол» — пушта ҳамда «из» — от ясовчи қўшимчадан ташкил топган бўлиб, сабзавотлар экиладиган пушта маъносини билдириб келган.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Малик МУРОД, профессор

ЖАБРДИЙДА МЕРОС

2-МАҚОЛА

ДУНЁ жуда қизиқ экан. Шуни ўйлаб-ўйлаб ҳеч ўйимнинг тагига етолмайман. Ҳа, ота-боболаримизнинг «Дунё чархпалак» деганларича бор экан. Дунё қизиқ, чархпалак бўлмаса, бир киши не-не орзу-умидлар билан келгуси авлодлар баҳам кўрсин деб боғ-роғлар бунёд этса-ю, бошқа биров уларни хонавайрон қилармиди?! Бировлар одамлар ғафлат уйқусида ётмай тоат-ибодат қилишсин, билим олишсин, бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб ўзлигини танишсин, ҳордиқ чиқаришсин, покланишсин, деб масжиду мадраса, ҳаммому қироатхоналар солдирса-ю, бошқа бировлар ҳеч бир ўйлаб-нетмай уларни ер билан яксон этса, оёқости қилса.

Не бедодликки, бировлар пешона тери билан етиштирсалару бошқалар тайёрга айёр бўлишса. **Қисқаси, халқ ибораси билан айтганда, терга ботган — зарга ботмаса!**

Янгисини киймай, эскисида юриш, қорин тўйиб-тўймай овқатланиш ҳам мумкин, чидаса бўлар. Аммо муайян муддат маънавий ва руҳий озиқ —қадриятлардан айрилиб қолишса борми? Ҳа, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, инсон камолоти ва мукаммаллиги учун жуда зарур бўлган маънавий, руҳий озиқ қадриятлардан маҳрум этилган киши, такрор айтамиз, бамисоли тирик мурда... Мен бу ўринда ҳар бир кимса учун нондай азиз, сувдай мўътабар — КИТОБни кўзда тутмоқдаман. Ҳа, алломалардан бири айтганидек, «инсониятнинг бахт ва қудратга етишув йўлида яратган энг мураккаб ва улуғ мўъжизалардан бири китоб» ва унинг қадрияти ҳақида қисқача сўз юритмоқчимиз. Халқ мўъжизалар яратувчи ижодкор, буюк ихтироларга асос солувчи донишманд. У — файласуф, китоб ва у билан боғлиқ қадриятларни яратувчиси ҳам халқ.

Халқимизнинг китоб билан боғлиқ қадриятлари тарихига бир назар ташлашнинг ўзидаёқ бу соҳада ҳам ҳар қанча фахрланса, ғурури тўлиб-тошса ва ибрат олса арзийдиган маънавий улуғворлик мавжуд эканини кўриш мумкин.

Тарихий солномалар ва халқимиз руҳидан шу нарса аёнки, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда қўлёзма китобат санъати ва у билан боғлиқ қадриятлар қадим замонлардан бошлабоқ жуда ривожланган. Хусусан VIII—X асрларда ғоят гўзал, кишини ҳайратга солувчи ажойиб қўлёзма-китоблар яратилган. XIV—XVI асрлар, яъни темурийлар даврига келиб санъатнинг кўп соҳалари юксак даражада ривожланди, шунингдек, қўлёзма-китобат санъати ҳам ниҳоятда тараққий этди ва нафис санъат турига айланди. Бу ҳол халқ орасида ўз ишининг моҳир усталари — машҳур ҳаттотлар, қоғозрезлар, саҳҳофлар, музаҳҳиблар ва бошқаларнинг етишиб чиқишига олиб келди. Бунинг учун ур-сурлар, тўс-тўплонлар ва тўфонлардан омон сақланиб қолиб, бизнинг кунларимизгача етиб келган Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур, Маҳтумқули, Машраб каби шарқнинг буюк сўз санъаткорлари қўлёзма-китобларини, шунингдек, тарих, адабиёт, география, математика, табобат, астрономия, мантиқ, тасаввуф илми, тил, луғатга оид нодир асарларини, саёҳат, мемуар усулдаги минглаб қўлёзма китобларни, сон-саноқсиз диний, азиз-авлиёлар, пайғамбарларга аталган асарларни кўздан кечириш кифоя. Қўлёзма-китобларнинг ҳуснихатини, уларга ишланган миниатюраларни, шунингдек муқовалаш ва безаш санъатини кўриб фавқулодда ҳайратга тушади, киши. Ўз меҳнати ва ақл-идроклари билан беқиёс нозик, мураккаб китобат санъатини ҳақиқий нафис санъатга айлантира олган, унинг қадрини оширган заҳматкашларни халқ ҳамма вақт эъзозлаган, қадрига етган ва улар яратган китобларни кўз қорачиғидек асраган. Ҳа, элимиз руҳида китобга эътиқод, ҳурмат-садоқат бениҳоя кучли бўлган. Дарвоқе, **«Қатра йиғилиб дарё бўлур, китоб ўқиб доно бўлур», «Кийим-устингни безайди, китоб — ақлингни», «Китоб — кўзгу, унда оламни кўрасан», «Олтин ер тагидан кавлаб олинади, билим китобдан», «Китобсиз уй — қўёшсиз олам», «Китоб — ақл чироғи», «Китоб билим беради, билим бахт келтиради», «Кўп ўқиган—кўп билар»** каби ҳикматли сўзлар, мақолларнинг, кўпдан-кўп асотир, афсона, нақл-ривоятларнинг яратилиши бежиз эмас, албатта. Ёки халқимизнинг эстетик қизиқиши, ижтимоий эҳтиёжи ҳамда реал турмуши ҳаёт тақозоси ўлароқ юзага келган китоб билан боғлиқ умумбашарий удумларни, қадриятларни ёдга олайлик. Китобни йиртмаслик, унинг ҳар бир варағини нондай эъзозлаш, ерда ётса қўлга олиб, кўзга суртиш, мўътабар тутиш, китоб турган жойни муқаддас ҳисоблаш, қоғозни зар билан тенг деб билишлик ва ҳоказолар азалдан эл руҳига муҳрланган.

Бобил давлатининг подшоҳи Бухти Наср II (вафоти милоддан 562 йил илгари) ўзидан аввал ўтган подшоҳ ва қаҳрамонлар шуҳратига ҳасадланиб, мамлакатдаги ҳамма китобларни қуйдиртирган. «Тарих — мендан бошлансин», деган экан у. Йигирманчи йиллардан бошлаб халқлар доҳийси Сталин ва сталинчиларнинг китобларга муносабати Бухти Насрнинг қилмишларига ўхшаб кетади!

Ўрта асрнинг буюк олими Абу Райҳон Беруниийнинг «Ал-осор ул боқия анил қурун ил-холия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида айтилишича, араб босқинчиси Қутайба ибн Муслим Хоразмга бостириб кирганда, ёзувни яхши биладиган, халқ тарихи ва ривоятларини ўрганган ва бошқаларга ўргатадиган кишиларни қатл этиб, буткул йўқ қилиб юборган. Ана шу йўқ қилинган моддий-маданий ёдгорликлар орасида шубҳасиз нодир китоблар ва улар қадриятлари билан боғлиқ кўп нарсалар бўлган. Ҳатто ислом ҳукмронлиги даврида ҳам, ислом таълимотига зиддроқ бўлган, уларнинг дўқ-пўписа, тазйиқи билан илм-фан, адабиёт-санъат ва тарихга оид қанчадан-қанча маънавий бойлигимиз йўқ қилинди. Мана бир мисол. Биз наманганлик Муродилла отадан: «Араб алифбесидаги қадимий китобларингиз борми?— деб сўраганимизда, у киши: «Йўқ, бўлган тақдирда ҳам кўрсатмасдим. Чунки биз уйда арабча китоб (араб алифбесида демоқчи — М. М.) сақлаганимиз учун Шўронинг тарсакисини еганмиз. Энди тарсаки ейишдан ўтдонинг ўзи сақласин»— деб жавоб берди. Кейинча билсак, чақув билан уйини тинтув қилинганда араб алифбесида ёзилган бир нечта китоблар чиққанлиги учун у қамалиб чиққан экан.

Яна бир мисол.

Наманган вилояти Уйчи район Жийдакапа қишлоғида яшовчи Акмалхон отанинг (Муқимийнинг сафдоши ва дўсти, машҳур шоир Хилватийнинг ўғли) айтишича, ўша «ур-ур, сур-сур» бошланган пайтларда отаси Хилватийдан қолган китоблар бир қанча қопларга жойлаштирилиб, шундоққина қишлоқ пастидан оқиб ўтадиган Сирдарёга оқизилган. Касбкоримиз тақозоси билан Фарғона, Андижон, Ўш ва бошқа жойларда изланишларда бўлиб, қадимий антиквар китобларни сўраб-суриштирганимизда баъзи бировлар эски қудуқларни, ҳовузлар, жарликларни кўрсатиб: «Шу ерга кўмилган», дейишса, бошқалари қабристонларга етаклашади-да, эски мозорларни очишга даъват этишади. Агар мўъжиза рўй бериб, эски қабристонлардаги мозорларда, қудуқлар, жарликларда, ҳовузлар, кўл, дарёлар тагида бағри тилка-пора бўлган, хун бўлиб ётган китоблар тилга кириб: **«Гуноҳимиз не? Нима учун бизни шунчалар хўрладинглар?»** — деб савол беришса ким бўлган бўлар эдик? Қаёққа қочардик? Балким, лоқайдлигимиз, сермулоҳаза, сертобе, сертакаллуф, серандиша ва яна қанчадан-қанча «сер,сер»лигимиз бўлмаганда эди, ота-боболаримиз «ўқи, фойдалан, онгинг ни ошир, тарихингни бил, ўзлигингни англа», деб қолдириб кетган камёб маданий ёдгорликлар бўлмиш — китобларни, демак, тарихимизни, тафаккуримизни, ақл-идрокимизни бунчалик хўрламаган, камситмаган, топтамаган, оёқ ости қилмаган бўлармидик?! Шуларни ўйлар эканман, дил-дилим хуфтон бўлиб, дунёйим торайиб кетади!

Машҳур достончи-бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли маданият, маърифат душманларининг тўраларча муносабати, чўчитиш, таъқибидан қўрқиб Бухоро, Самарқанддан тўплаган шахсий кутубхонасидаги нодир китобларини тунда Жўш қишлоғидаги эски қудуққа олиб бориб ташлаган, устидан тупроқ ташлаб, кўмиб юборган. Биз уларни ахтардик. Аммо барча изланишларимиз зое кетди...

Фольклор-этнографик ҳамда археографик экспедициялардан бирида қизиқ воқеа содир бўлган эди. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг Тарқапчағай (Оқ тепа) қишлоғида яшовчи ўқитувчи Махсум отадан «Қадимги китоблардан борми?» — деб сўрадик. У киши: «Бугун кеч бўлди, эртага кўрсатаман», — деди. Эртасига чойдан сўнг икковлон эшакларга миниб Кўҳитан тоғига қараб кетдик. Айтилган жойга пешинда етиб келиб, тоққа кўтарилдик. Тоғнинг у ер, бу еридаги ғорларда титилиб, йиртилиб ётган китобларни кўрсангиз эди! Фавқулодда ёқа ушлаб, ҳайратланадиган жойи шунда эдики, тўп-тўп бўлиб таҳланиб ётган, катта-кичик тошлар остига қўйилган ёки пора-пора бўлиб ётган китоблар орасида ҳатто диний деб аталмиш китоблар ҳам бор эди. Мен тоғ бағридаги ғорларда ғариб ҳолда ётган «Қуръон», «Қиссас-ул анбиё», «Тазкирот ул-анбиё», «Далоил-ул-ҳайрат», Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Сўфи Оллоёрнинг асарлари, шунингдек, Бедил, Рашидиддин Вотвот, Навоий, Машраб ва бошқа шоирларнинг тош босма китобларини кўриб, қон-қон йиғлагандим ўшанда. Улар орасида «Қуръон», «Ҳикояти Гўруғли Султон», «Юсуфбек билан Аҳмадбек», «Раъно ва Суҳангул», «Баҳром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайҳо», «Рустами достон», «Қиссаи Жамшид», «Саид Баттол Ғози», «Бобо Равшан», «Иброҳим Адҳам», «Або Муслим» каби китоблар ҳам бор эди. Бу китобларнинг ҳар бири аслида дунёвийми ва ё ўта диниймми, мазмунан қашшоқми ёки чуқурми, барибир, халқнинг маънавий мулки, китобат санъатининг гўзал, бетакрор намунаси, деб қаралмоғи, асраб-авайланмоғи лозим эди. Ахир, гап оддий кишилардан тортиб то бутун жамиятнинг маънавий ҳаёти, фикр ва ўйлари, дунёқараш ва кечинмалари акс этиб, мафкура, ахборот, этика ва эстетика масалалари бир бутун ҳолда боғланиб кетган китоб ҳақида, унинг тарихи, тақдири ва қадрияти ҳақида, китобат санъати хусусида кетаяпти.

Халқимиз илм ва фан, адабиёт ва санъатга оид нодир қўлёзма-китоблари билан ҳақли равишда фахрланади. Дунёнинг қайси бир машҳур кутубхонасида бўлманг, ҳатто шахсий фондларни кўздан кечирманг халқимизнинг улуғ алломалари — тафаккур ҳазинасини яратган донишмандларнинг қўлёзмаларини китоб ҳолига келтириб, боқий умр бағишланган — ҳаттотлар, мусаввирлар, музаҳҳиблар, лаввоҳлар, қоғозрезлар, саҳҳофларнинг, мужаллидларнинг мўъжизакор меҳнатини кўриш мумкин. Бу яхши. Аммо уларнинг кўпчилиги ўша вақтда ўғирлаб кетилган ёҳуд ўзларини «сайёҳ», «тижоратчи», деб ҳисоблаган, аслида эса ўғирлик, ҳатто жосуслик билан шуғулланган зотлар томонидан талон-тарож қилинган, алдов йўллари билан олиб кетилган эди. Бу исбот, мисол талаб қилмайдиган айни ҳақиқатдир!

Шундай қилиб, йўл қўйилган жуда катта хато, бемисл фожиали аҳвол туфайли жабрланган қадимий, ноёб мерос —араб алифбесида ёзилган қанчадан-қанча китоблар иложи борича ер қаъридан олинмоғи, харобалар, тоғу тошлар, эски қудуқлар, ҳовузлар, жарлар ва ҳатто сув остиларидан чиқарилиб, имкон қадар халққа қайтарилмоғи лозим. Қисқаси, китоб соҳасидаги социал адолат тикланмоғи шарт.

Бунинг учун нима қилмоқ керак? Бизнинг фикримизча, биринчидан, ўтмиш маданий мерос, шу жумладан КИТОБГА бўлган лоқайдлигимизга чек қўйишимиз керак. Кишиларимизда халқимиз руҳидаги китобга сиғиниш, уни муқаддас деб билиш, эъзозлаш ҳиссини қайта уйғотишимиз керак. Иккинчидан, зудлик билан жойларга мутахассислардан ташкил топган илмий-археографик экспедициялар уюштириш ва бетиним изланишлар олиб бориш. Учинчидан, кишиларнинг шахсий кутубхоналаридаги ноёб китобларни бир жойга тўплаб, «Китоб ва китобат санъати» музейини ташкил этиш. Бунда мутасадди ташкилотлар, фанлар академияси, илмий-текшириш институтлари бош-қош бўлсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Тўртинчидан, китоб тарихи, китобат санъати, китоб ўқилиши — китобхонлик ҳамда кутубхона ишлари билан шуғулланувчи муассасалар, жумладан, Тошкент давлат маданият институти, Республика Фанлар академияси, қўлёзмалар, шарқшунослик институти ҳамкорлигида «Китоб» уюшмаси тузиб, нафақат республикамиз, балки Москва, Ленинград, Қозон, Уфа, Киев, Боку, Тбилиси, Ереван ва бошқа шаҳарларга хорижий мамлакатларга тақдир тақозоси, кажрафтор давр оқибати натижасида сочилиб кетган Шарқ, шу жумладан, ўзбек қўлёзма китобларини республикага қайтаришнинг йўлларини изламоқ лозим.

Яна бир масала. Тошкент давлат маданият институти кутубхоначилик факультети ўқув дастурига зудлик билан тузатишлар киритиш, унда Шарқ китобат санъати, китобат мактаблари, араб алифбесини чуқур ўрганиш, қадимий китоблар оламига саёҳат, қиссахонлик, ўтмиш китобат санъати намоандалари, қўлёзма китоблар каби курсларни ўқитишни қатъий режалаштириш ҳам китоб борасидаги социал адолатсизликка барҳам бериш, бу соҳадаги адолатни тиклаш омилларидандир.

• Акс садо •

ТАҲРИРСИЗ МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳурматли муҳарририят! «Тошкент ҳақиқати»да «Қадрият» саҳифаси ташкил этилганлигини ўқиб, бошим осмонга етди. Саҳифани ўқиб чиқиб, ундан кўпгина маълумотларни билиб олдим.

Д. Сандовнинг «Ёлғиз она! Бу —унвонми ёки?...» сарлавҳали мақоласи менда катта қизиқиш уйғотгани бонс, мен ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришга қарор қилдим. Назаримда, мақолада айни давр талабига мос масала кўтарилган. Ҳақиқатдан ҳам, ёлғиз оналарга анчагина енгиллик, имтиёзлар берилган. Бу имтиёзлардан хабардор бўлган айрим турмушга чиқмаган қизларимиз онла қурмай, шу йўлни афзал кўришяпти, яъни муаллиф ёзганидек, «никоҳсиз бола кўришни».

Менг афсуски, сўнгги пайтда «ёлғиз она»ларнинг сони тобора ортиб боряпти. Ёлғизларга фармонлар, таъбир жоиз бўлса, йиғитларимизга армонлар кўпайди.

Тўғриси, шаҳар ижроия қўмитасида ҳам бундайин имтиёздан фойдаланиш учун кўпчилик аёллар навбат кутишаётганининг гувоҳи бўлдим. Уларга алоҳида навбат, имтиёзлар берилганлиги сабабли улар уй-жой олиш учун умумий навбатга қўйилмайдилар. Болалар боғчасига йўлланма олиш учун ҳам шундай тартиб белгиланган. Энди таққослайлик, тўю-томошалар билан кириб келган келинчак неча-неча йиллар давомида уйга навбатда туради, ижарама-ижара сарсон бўлади. Болалар ҳам у мактабдан, бу мактабга кўчиб юраверадилар. Токи уй берилмагунча. Лекин кўпларнинг таъбири билан айтганда, «енгил ҳаёт қурбонлари» бўлган «ёлғиз она»ларимиз уларчалик қийналмайдилар. Бундан чиқдики, йиллар мобайнида қийналмасдан, ижарама-ижара юрмасдан, биттаси тўғиб олиб, тинчгина юравериш керак экан-да! Беномуслик шундай тақдирланаяптида, бизларда. Бошқа иҳоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Тағин ўша аёлларимизнинг кўпинча писанда қилаётганларини эшитиб қоласан, «ёлғиз ўзим бола боқяпман». Инсоф билан айтинглар, улар болани ким учун боқишяпти?! Фармонларку чиқарилган, лекин мени бир нарса ўйлантиради. Биринчидан, ўша ёлғизларга тўланадиган пул қаердан олинади. Сиз билан бизнинг ҳақимиз ҳисобига эмасми?! Давлат бу маблағларни осмондан олмайди-ку! Иккинчидан, тирик етимларнинг сони кўпайиб бораётганлигини қандай изоҳласа бўлади? Ғўдакларнинг кўнгли ярим бўлиб вояга етишнинчи?!

Хуллас, саволлар кўп. Ўз фикр-мулоҳазаларим билан аёлларимизни қораламоқчи эмасман. Номусли, иффатли оналаримиз кўп. Лекин юқоридаги каби ёлғизлар кўпаймаса, дейман. Менинг ёшим 21 да. Ҳали уйланганим йўқ. Балки ёлғизлар тўғрисидаги мақолага ўз муносабатимни билдиришим ўринсиздир. Хулоса қилиб айтганда, мусулмон ўлкаси бўлмиш — Мустақил Ўзбекистонимизда шариатга зид бўлган қонунлар бекор қилиниши тарафдоримам.

Тўйларга тўй улансин. Келинчак ибо билан, ҳаё билан остонамиздан кириб келсин. Биз йигитлар ана шуни истаймиз.

Салом билан доимий ўқувчингиз

Рўзмат ИСМОИЛОВ,
Ғазалкент шаҳри.

• Халқ ижоди—қайнар булоқ

ЎЛАН

Мен ўланни айтаман бундай қилиб,
Тегирмондан чиққан оппоқ ундай қилиб,
Баракалла ўланчи деганига
Ўлан айтар икки бети ойдай бўлиб,

Ўлан айтсам, ўланчи дейди мени,
Йўлда ётсам оч бўри ейди мени,
Уч-тўрт оғиз ўланни босиб айтсам,
Ўланчининг охуни дейди мени.

Ҳаво булут,
Биз ҳовлига боргунча ёғма булут,
Биз ҳовлига боргунча ёғсанг булут,
Оёғимга соламан қулфу калит.

Анов тоғдан сен, мен қарайин,
Ҳайдар сочинг сен тара, мен ўрайин.
Азроил жон олгич кириб келса
Сен қараб тур, жавобини мен берайин.

Юқоридан келаётган йўловчиман,
Макка йўли, Мадинани сўровчиман.

Макка йўли, Мадина нари дейди,
Қизнинг сўзи йигитга дорн дейди.

Жўхорини кесган эдим поя бўлди,
Оқ қалпоғим бошимга соя бўлди.
Силаб-сийпаб ўстирган чилвир сочинг,
Бир ёмонинг қўлида зое бўлди.

Ошиб келдим Дагананинг довонидан,
Сари этигим йиртилибди товонидан,
Оламан деб умид билан юриб эдим,
Қуруқ қолдим совчиларнинг ёмонидан.

Ёмғир ёғиб келади муз аралаш,
Бир тўп хотин келади қиз аралаш,
Алимтўшнинг овулига бориб эдим,
Толқон қўйди олдимга тўз аралаш.

Ўлан қайдан чиқади сўз бўлмаса,
Ким етаклаб юради кўз бўлмаса,
Бу дунёдан кафансиз кетар эдик,
Сарт тўқиган сарала бўз бўлмаса,

Ёмғир ёғиб келади тузоқ бўйлаб,
Бойнинг қизи қарайди чойдан бўйлаб.
Қўй соғ бўса соғмаган бойнинг қизи,
Қайтиб сигир соғади бошин бойлаб.

Осмонда учиб юрган учма бўлсам,
Ведов отнинг белига тасма бўлсам,
Бу дунёдан беармон ўтар эдим,
Сулув қизнинг қошида ўсма бўлсам.

Пискент ноҳиясидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида яшовчи 1926 йилда туғилган Исмат ака Раҳмонқул ўғлидан 1986 йилнинг қавс ойида ёзиб олинган.

Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи

Маматқул ЖУРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

СИЙМОЛАРИ БАРҲАЁТ

• *Ёднома*

Шундай кунлар бўладики, синфдошлар гоҳо-гоҳо учрашиб турамиз. Бундай давраларда кўпинча суҳбатимиз мавзуи мактабда дарс берган ўқитувчиларимиз хотирасини эслашга бориб тақалади. Қалб қўрини, меҳри тафтини, илм ва маҳоратини фидойилик билан бизга бағишлаган ажойиб инсонларнинг сиймолари кўз ўнгимизда бирма-бир гавдаланади.

Мактабимиз директори Юсуф Мўминовнинг болаларни «Тойчоқларим» деб эркалашлари, жисмоний тарбия ўқитувчимиз Зоит Рихсиевнинг каттаю кичикни баравар ҳурмат қилишга, ишчанликка даъват этишлари, Ҳамдам Ҳамзаев, Абдулҳай Абдураҳмонов, Зоир Пирматов, Қобил Мирвалиев каби мураббийларимизнинг ҳалолликкка, юксак одоб-аҳлоққа, яхши ва аъло ўқишга чорлашлари кечагидек кўз ўнгимизда намоён.

Болалигимизга бориб баъзи дарслардан унумли фойдаланмаганлигимизга ҳамон ачинамиз. Немис тили ўқитувчиси Анна Алексеевнанинг жиғи-бийрон бўлиб, болаларни тинчлантираётган қиёфаси худди дилимизга муҳрланиб қолгандек. Бу заҳматкаш аёл бизнинг қишлоқ мактабимизга шаҳардан қатнарди. Қишли-қировли кунларда ҳам, ёз жазирамасида ҳам автобус бекатидан сўнг яна анча масофани пиёда босиб келарди. Аммо бирон марта нолиганини эшитмасдик.

Бир куни у синфда йиғлаб юборди. Ҳолатини кўриб, партадан партага сакраб юрган болалар жойларига ўтиришди. Хона сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

— Анна Алексеевна, нега йиғлаяпсиз, — сўрадим ундан.

У анча вақтгача йиғлашда давом этди. Тўполончиларнинг кўзлари ерга қадалган эди.

— Жим ўтирса бўлар экан-ку, азиз болажонларим, — деди у ниҳоят, — тинч дарс ўтишга қўйингларда ахир. Қариб қолдим. Пенсияга чиқишим ҳам яқин. Ишламай десам бир ўзимман.

Кейин у бизга юрагини очди. Учувчи ўғли урушда ҳалок бўлганлигини, яқинда бемор қизидан ҳам ажралиб қолганлигини айтиб, ўзини тутолмади.

Шунда юпунгина кийинган, сочларига оқ оралаган, қадди ҳам анча букчайиб қолган ўқитувчимга бошқача бир меҳр билан тикилганим ёдимда. У иродали аёл бизга яна бир неча ойгина дарс берди. Муаллима кўз ёш тўккан кун биз учун сабоқ бўлиб қолганди. Ҳаммамиз немис тилига қизиқиб бораётган пайтимизда у пенсияга чиққанлигидан афсусландик. Уч-тўрт йил яшаб у ҳаёт билан видолашди...

... Шу кунларда ҳам Оқтепа маҳалласидаги деярли ҳар бир хонадонга кириб «Клара Евсеевна Чернишева ким?» деб сўрасангиз, хонадон соҳибларининг чеҳралари ёришиб кетади. Бу муаллима бизни ҳам ўқитган. У оқила, ишчан, ўқувчиларга меҳрибон, қалби гўзал, очиқ чеҳрали аёл эди. Дарслардан ташқари пайтларда тўгаракка жалб этиб, бизларга тил ўргатишдан чарчамасди. У қисқа муддат ичида ўзбек тилини ўргана борди. Урф-одатимизни ҳам шу қадар эгаллаб олдики, бу ҳислати билан маҳалла аҳлига ёқиб қолди. Марҳум Усмон ота ва унинг умр йўлдоши фидойи муаллима учун уйларининг бир хонасини унга ажратиб бериб саҳоват кўрсатишди. Клара опада ўқиганлар ҳамон бу аёлни «Рус тили ўқитувчисига ёлчигандик» дея хотирлашади.

У пенсияга чиққанидан кейин бетоб бўлиб қолди. Лекин талабалари унутишмади. Биров гул кўтариб, биров камтарроқ совға олиб ўқитувчини йўқлаб турдилар. Энди эса унинг бутун гўзал фазилатлари ўқувчилари қалбида сақланмоқда.

Яқинда мактабимизнинг собиқ талабалари, фан номзодлари бўлган физик-математик олимлар Абдурауф, Зуҳриддин акаларни кўриб қолдим. Улар билан физика ўқитувчимиз Аҳрор ака Тожиевни ёдга олдик. Бу муаллимимиз ҳам ўша кезларда Тошкентдан қишлоққа қатнардилар. Дарс бериш услубларини тасвирлашим қийин. Лекин тенгдошларим орасида «Аҳрор ака формуларни мияга жойлаб қўяқолардилар» деган гапларни кўп бора эшитганман. Домламизни камтарликлари, маҳоратлари ва ҳаммага бирдек талабчанликлари учун севардик. Жумҳуриятда алоқа соҳасида етук мутахассис Ҳикматулла Ғуломов мабодо домла ҳақида сўз очилса, кечаю-кундуз тилидан бол томиб сўзлашдан толиқмайди. «Аҳрор ака олийжаноб, билимдон, шогирдпарвар эдилар», дейди у.

Умрни оқар сувга қиёслашади. Агар шу ибора жоиз бўлса шаҳримизнинг Киров ноҳиясидаги 274- (собиқ 27-ўрта) мактабда жонбозлик кўрсатиб ишлаган бу зиёкорларнинг умрлари бенаф ўтмади. Улардан баҳра олган ниҳоллар баракали мева бермоқдалар. Ҳар бир муаллимнинг неча-неча издошлари мактабларда, олий ўқув юртларида, юқори идора ва ташкилотларда хизмат қилиб устозлари руҳини шод этмоқдалар...

Баъзан тенгдошлар дийдор кўришиб турамиз. Олам-дан ўтган мураббийларимизни ёдга оламиз. Худо раҳмат қилсин уларни. Устозларимиз сиймолари барҳаёт, дея чуқур ўйлаб, ўйлаб кўямиз.

Сандвали ҲАСАНОВ.





СУРАТЛАРДА: янги очилган бўлимда иш қизғин.

Муаллиф суратлари.

СОҒЛИҚНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Бозор иқтисоди, нархнавонинг ошиши турли соҳаларга, хизмат турларига ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Кўпгина муассасалар пуллик хизмат кўрсатиш йўлига ўтиб олмоқдалар. Бу тиббиёт соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бекобод шаҳридаги Марказий касалхонада ҳам аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи махсус бўлим очилди. Бундай бўлим очилишининг сабаблари ҳақида касалхона бош шифокори ўринбосари Бахтиёр Турсунов қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳозирги кунда замон зайли билан ҳар ерда турли, шу жумладан, тиббий ширкатлар ҳам ташкил этилаяпти. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи бундай ширкатлар анча-мунча фойда кўришади. Бунинг ҳисобига у ерда ишловчилар ҳам яхшигина даромад олишади. Ғабийки, ойлик маоши кам бўлган, аммо анча ишга қўли борадиган шифокорлар ўзларини ўша ерга «урадилар». Биз уларни қоралашга ҳаққимиз, олиб қолишга иложимиз йўқ. Чунки бу шифокорлар ҳам оила тебратишлари, пул топишлари керак. Бизда эса улар бормоқчи бўлган жойлардаги каби шарт-шароитлар йўқ, қолаверса, у даражада ойлик ҳам тўлай олмаймиз. Мана шунинг натижасида малакали, етук мутахассисларимиздан ажраб қолиш хавфи туғилди. Шу сабаб бўлиб биз ўзимизда пуллик хизмат кўрсатиш бўлимини очдик. Хизмат баҳоси бошқа ердаги, ширкатлардаги нархлардан 3—4 баробар паст. Бўлимга бир гуруҳ малакали шифокорларни жалб қилдик. I тоифадаги жарроҳ В. Цой, сийдик йўллари шифокори Қ. Бегмонов, ўсма касалликлари шифокори Л. Пак, ички чиқарув безлари шифокори, тиббиёт фанлари номзоди В. Турсунов, ички касалликлар шифокори Қ. Содиқов, ошқозон ичак йўли касалликлари шифокори Б. Сангилов, ультратовуш орқали касалликларни аниқловчи шифокорлар Б. Ибрагимова ва А. Раҳмоновларнинг ўз ишига ёндошувидан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Тиббий муолажа эҳтиёжга қараб беморуйида ўтказилиши ҳам мумкин. Бўлимнинг ўзига хос томони шундаки, у малакали мутахассис ёрдамига муҳтож бўлган кишиларга ширкатлардан қолишмаган тарзда ҳамда арзон баҳода тиббий хизмат кўрсатади. Шу билан бир қаторда бу ердаги иш шифокорларнинг ўзи учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Биз ҳам ўз ўрнида қобилиятли ходимларимиз ўз бағримизда халқ йўлига хизмат қилаётганликларидан мамнун бўламиз.

Даврон АҲМЕДОВ суҳбатлашди.

МЕҲР-ШАФҚАТ ЖАМҒАРМАСИДА

Пискент ноҳиясида «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси» ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай жамғарма фаоллари кўплаб хайрли иш қилишга улгурдилар.

Ўтган йили ноҳия ижроия комитети ташаббуси билан тузилган жамғарма ҳисобидан шу кунгача юзлаб бева-бечораларга ёрдам кўрсатилди. Турли хайрия тадбирлари ўтказилди. 37 нафар аълочи ўқувчиларга ҳар ойига 40 сўмдан стипендия белгиланди. Яқинда Пискент шаҳри ва қишлоқларида истиқомат қилувчилардан 50 нафар ночор оилага озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилди. Бу маҳсулотлар ноҳия ижроия комитети раҳбарлари иштирокида хонадонларга элтиб берилди.

Жамғармани маблағ билан таъминлашда «Пискент» ташқи иқтисодий алоқалар ассоциацияси, ноҳия ижроия комитети қошидаги карьер хўжалиги, «Уста Шавкат», «Амир Темур» каби хусусий корхоналар алоҳида ҳиммат кўрсатмоқдалар.

Э. АБДУЛЛАЕВ.

• *Акс садо*

ЭЪТИҚОД УСТИВОРЛИГИ ТАЪЛИМГА БОҒЛИҚ

Кутубхона, китоб, кутубхоначи деган тушунчалар негадир фақат расмий доиралар, ҳукумат миқёсидаги катта анжуманлардагина йўл-йўлакай тилга олиниб ўтилувчи жамият маънавий ҳаётининг аслида энг зарур бўлган соҳаси деб тан олинган, лекин унга доимо ўғай кўз билан қараб келинаётган соҳадир.

Яқинда «Тошкент ҳақиқати» бу ўғай соҳага меҳрибонлик уйғотиш, қадимқадим замонлардан буён китоб, китобхон умуман, маърифатни муқаддас саналган ота-боболаримиз анъанасини янги давр талабига жавоб берадиган даражага кўтариш ташаббусини кўтариб чиқди. Рўзноманинг шу йилги 4 январь сонида «Маънавиятимиз бутун, эътиқодимиз устивор бўлсин!» номли кўнгилчаклик билан ёзилган мақола «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси кўтарган масаланинг қай даражада долзарблигини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Ушбу мақола биз, маданият ходимларида катта қизиқиш уйғотиши билан бирга, ҳали кутубхоначилик соҳасида қилиниши керак бўлган ниҳоятда муҳим ишлар бор эканлигини, уларни бажариш, янги туғилган миллий ҳукуматимиз маънавиятига амалий жиҳатдан бериладиган ёрдам бўлишини чин юракдан ҳис этдим. Шу муносабат билан айрим мулоҳазаларимни баён этмоқчиман: аввало, мавриди келганда бошқаларга ҳам ўрнак бўлиши учун мен севикли рўзномамиз «Тошкент ҳақиқати»га китоб, кутубхона, китобхон масаласини жасорат билан кўтариб чиққанлиги учун раҳмат айтаман ва бундан кейин ҳам мустақил мамлакатимиз маънавияти, маданиятини соғломлаштириш йўлида жасорат тилайман. Келажакда ҳар бир соҳада етишиб чиқадиган мутахассислар, уларнинг инсоний фазилати, маданияти қай даражада бўлишининг бош манбаъларидан ҳисобланган китоб ва унга муҳаббат билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, бу соҳага амалий жиҳатдан моддий ёрдам бериш, мактаб кутубхоналари ишини бутунлай қайтадан қуриш, мактаб ўқув режаси билан кутубхоначи режаларидаги 70 йиллик фарқни йўқотиш керак. Гарчи қийин шароитларни бошдан кечираётган бўлсакда, мактабларни техника воситалари, компьютерлар билан таъминлаш, кутубхоначига китоб тарғиботи бўйича кенг имкониятлар бериш, улар маошини ошириш, кутубхонага мутахассислар тайёрлайдиган махсус ва олий билимгоҳларда бевосита мактаб, маориф ишига кўмак берадиган ҳақиқий маънодаги кутубхоначини тайёрлаш, техникум, олий билимгоҳлар Европа ва Россия ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳамда миллий хусусиятларини ҳисобга олиб тузган, шарқона тадбиққа умуман тўғри келмайдиган ўқув режаларидан воз кечиб, янги ўқув режалари асосида талабаларга билим бериш; XIX аср охирларигача давом этиб келган анъанавий маориф, маданиятдан фойдаланган ҳолда китоб, кутубхона ишларига ёндошиш, мактаб, болалар кутубхоналарига миллий кадрларни кўпроқ тайёрлашда шарқ ва мусулмон мамлакатлари маданияти, кутубхоначилик ишлари тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини қидириш, мактаб, болалар кутубхоначилари тайёрлайдиган махсус куллиётлар ташкил қилиб, уларга замонавий фан-техника воситалари билан ишлай оладиган малакани ҳам бериш, токи, улар кутубхонадаги китобларни болалар ёши, психологияси, синфлари бўйича тавсия этилиши керак бўлган адабиётларни табақалаштиришда компьютер хизматидан фойдалана олсин. Ўзбекистон мустақил давлат бўлганлиги муносабати билан кутубхоначиларни шаҳар, вилоят, жумҳурият маданият марказларида фаолият кўрсатиб турган малака ошириш курслари ишини ҳам янги даврга мослаштириш, кутубхоначилик иши бўйича чиқаётган янгиликлар, ўзгаришларни тартибли равишда уларга етказиб бориш ва ниҳоят маданият олийгоҳида мактаб, болалар кутубхоначилари мутахассислари тайёрлайдиган бўлимга нисбатан эскича, вульгар қарашларни бутунлай синдириб ташлаб, махсус факультет, махсус ўқув режаси ишлаб чиқиб, тайёрланаётган ходимларга замонавий педагогика, халқ педагогикаси, исломшунослик, халқ оғзаки ижодиёти, Шарқ тарихи ва фалсафаси каби зарур фанлар ўтилишини йўлга қўйиш вақти келди.

Баҳодир МАННОНОВ, Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият олийгоҳи техника воситалари ва компьютерлаштириш кафедраси мудири.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• *Одам учун яшайди инсон*

АЙТАР ЭДИ БИР ЗАМОН ОТАМ...

«Қизим, ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилма, ҳатто хаёлингга ҳам ёмон фикр кирмасин. Қўлингдан келганича одамларга яхшилик қил. Қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаганда, икки оғиз ширин сўзингни аяма...» Отамнинг бу сўзлари бир вақтлар менга эриш туюлардн. Тўғрисини айтсам, ўша пайтларда уларга умуман эътибор бермасдим. Ўзимча «Одам қариганда турли ажойибу ғаройиб насиҳатларни ўйлаб чиқараверарканда» дея отамнинг гапларини жимгина эшитиб ўтираверардим. Лекин отам шу насиҳатини қайта-қайта такрорлайверганн учунми, у хотирамда ўрнашиб қолган экан. Ҳозир бу сўзлар гўё ҳаётим мазмуни, шиори бўлиб қолгандай...

Бундан етти-саккиз йилча муқаддам ўз фаолиятини бошлаган, дастлабки кунларданоқ қатор қийинчиликлар, тўсиқларга дуч келган «Прометей» қидирув клубида раҳбар сифатида ишлаётганим ҳам айнан шу насиҳат сабаблидир балки. Ўзгаларнинг ташвишларини енгиллатишни, муаммоларини ҳал қилиб беришни ўз бўйнига олиш оддий бир жамоатчилик клуби учун анча оғир иш. Клуб ҳомийси — Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти Тошкент вилоят Кенгаши ҳар қанча ҳаракат қилса-да, «Прометей»нинг ўз ички-шахсий муаммоларини ҳал қилиш енгил эмас эди. Кўпгина жанжчиларнинг тақдирлари номларини ҳужжатлардан қидириш йўли билан эмас, балки жасадларини тупроқдан излаш орқали маълум бўларди. Новгород, Калуга, Смоленск, Вязьма, Волоколамск ўрмонларида ер кавлаб, жасад излаганларимизни эсласам... Бирор сўзи, ҳужжат топиб олгудек бўлсак, яна бир инсон тақдирига аниқлик киритишимиздан ёки уни — шунча йилдан бери оёқ остида ётган жанжчини — бутун иззат-икром билан кўмишимиздан хурсанд бўлардик. Лекин иккинчи томондан биз учун курашган бу марҳумларни биз ярим аср давомида устиларида тепкилаб юрганимизни ўйлаб, даҳшатга тушардик. Сафарларимиздан бирида шундай бир воқеа бўлган эди. Биз изланиш олиб бораётган ўрмонга картошка экиладиган дала орқали борилар эди. Ҳар куни шу йўлдан биз ўрмонга борар ва у ердан қайтар эдик. Уч-тўрт кундан кейин худди ана шу даладан —тепкилаб-тепкилаб ўтган ерларимиздан — бир неча жанжчининг суякларини топишимиз кимнинг хаёлига келибди дейсиз?!

Биз қўл урган ишлар ҳақиқий даҳшатнинг ўзгинаси! Бу ишни аллақачон ташлаб кетишим ҳам мумкин эди. Лекин сўнгги пайтларда отамнинг насиҳати гўё ўз сўзларимдай, менинг фикримдай туюлади ўзимга. Ўзгалар учун бу ишларни қилишимиз керак, деб ўзимга тасалли бераман.

Негадир урушда қатнашган аждодларимиз ҳадеб кўз олдимга келаверади. Айниқса, урушнинг дастлабки кунлари бир ҳафта, бир кун жанг қилмасдан ҳалок бўлганлар менинг хаёлларимга тинчлик бермайди. Уларнинг айби нима эди? Ҳарбий тайёргарлик кўрмаган бўлсаларда, «Ватан учун!» деб дастлабки кунларданоқ урушга отланганларими? Фронтга олишлари учун «Ҳамма нарсани биламан» деганлари, душман билан тўқнаш келганда эса, қўлларидаги қуролни ҳам ишлата олмаганларимн? Она қишлоқларидан бир чақирим нарига ўтмаганлари учун ўзга юртларда қуриколмай гарангсиб қолганларими? Ёки далада ишлаб, билимларини тўла ўзлаштираолмаганликлари сабаб, командирнинг «Чекининг!» деган буйруғига тушунмай, «Ура!» дея олдинга интилганларими? Балки дилларидаги ўт-олов, кўнгилларидаги ғайритабиий мардонаворлик, жасурлик, содиқлик туйғулари уларнинг бошига етгандир?..

Шуларни ўйларканман, бугунги ҳаётга назар ташлайман. Одамлар кийиниш, еб-ичиш билан банд. Гўё ҳаёт шундан иборатдек. Дўконлардаги навбатда турганларни кузатсанг, бир-бирини еб қўйишга ҳам тайёр туришади. Нега шундай? Ахир ҳозир уруш вақти эмас-ку?! Уруш йилларида ҳам бунчалик бўлмаган. Тақчиллик мавжуд бўлсада, одамлар бир-бирларига меҳрибон, ўзаро аҳил яшаганлар. Озиқ-овқат ҳам, кийим-кечак ҳам катта муаммо яратмаган. Ҳамма қўлидан келганича бировга ёрдам берган. Нима учун ҳозир шундай эмас? Одамлар молдунё орттириш кетига тушиб кетишган. Ниманинг эвазига? Меҳрни — ғазабга, ҳурматни — сурбетликка, хотирани — виждонсизликка, сабр-тоқатни — тарбиясизликка алмаштириш эвазигами?

Баъзида нуроний отахонларга — Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига нисбатан ҳурматсизликларнинг гувоҳи бўлиб қоламан. Уруш азобини кўрганлар, қаҳатчиликни бошидан ўтказганлар... Улар орамизда жуда оз қолган. Орадан йиллар ўтиб, биз бу озчиликдан умуман айрилишимиз эҳтимоли йўқ эмас. Ўшанда бизга оғир кунлар ҳақида ёдлатиб, ҳаёт ҳамиша ҳам қувончли кунлардан иборат эмаслигини эслатиб, ўз насиҳатларини берадиган, яхши фазилатли киши бўлишга ундаб турадиган отахонлар топилармикин? Ахир бундай кексаларга эътибор бермасак, уларнинг орамиздан йўқолиб боришларига бепарво қарасак, хотираларини жамлаб бормасак, келгуси ҳаётимиз қай тариқа шаклланади? Бу ўйлар мени ташвишлантиради.

... Яқинда «Прометей» клуби мустақил ташкилот сифатида тан олиниб, республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Энди у—Ўзбекистон «Прометей» ватанпарварлик — қидирув бирлашмаси деб аталади. Бу билан менинг кўп йиллик орзуим амалга ошди. Клубнинг мустақил ташкилот бўлиши бизга бир қанча масъулиятни юкласада, ҳанузгача дом-дараксиз бўлган кўплаб инсонларнинг тақдири маълум бўлишига кенгроқ имкон яратади. Мен ҳам ўз ўрнида ўзгалар бахти, қувончи учун янада, чин дилдан, бор кучим билан ҳаракат қилиб ишлайман. Бу ўзимнинг ниятим, отамнинг ҳам истаги эди...

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

7 МАРТ СОАТ 16.00 ДА

Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон ЕҚУБОВ

«АЁЛ БИРЛА ОЛАМ ЧАРОҒОН»

ЯНГИ ҚУШИҚЛАР ГУЛДАСТАСИНИ

ТАҚДИМ ЭТАДИ

«НАФОСАТ» ёш рақкосалар кўрик-танловининг совриндори

Саодат ҲАЙИТАЛИЕВА

«ҚИЗИҚЧИ—91» танловининг совриндори ҲАМИД АЗИМОВ ҚАТНАШАДИЛАР

Чипталар «Халқлар Дўстлиги» саройи кассаларида ҳар куни соат 11.00 дан 20.00 гача сотилади.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлими назорат-тафтиш бўйича катта тафтишчи Н. Ҳ. Сарсенбоевга отаси

Хадирбек САРСЕНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325746, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатгичи: 14 — Индекс: 64672. — Босишга топшириш вақти— 20.30. — Босишга топширилди — 21.00. — 30579 нусха босилди.